# Халқаро ҳаёт

## ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

**БЕРЛИН**

Бу ердаги Пренцлауэр-Берг районининг бир қанча саноат корхоналари мутахассислари маиший хизмат ходими турдош касбларни муваффақиятли ўзлаштирдилар. Улар район совети билан тузилган шартномалар асосида ГДР пойтахтидаги мазкур йирик турар-жой массиви аҳолисига маиший хизмат кўрсатишда кўмаклашмоқдалар.

Биз йил бошида Пренцлауэр-Бергдаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳаллий коммунал-маиший хўжаликларини территория бўйича рационализациялаш тажрибасини бошлаб юбордик, деди район бургомистрининг ўринбосари Эрхард Мейзле. Кўплаб меҳнат коллективлари маиший хизматни такомиллаштиришда, кўча ва хиёбонларни ободонлаштиришда, ёшларнинг янги клубларини барпо этишда иштирок қилишга жалб этилди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ шуни айтиш мумкинки, саноат корхоналари билан район советининг ҳамкорлиги сезиларли самаралар келтирмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина ишчилар 150 квартирани ремонт қилиб, ёшларнинг тўртта клубида ишларни ташкил этишга кўмаклашганликлари, хиёбон ва кўчаларни кўкаламзорлаштиришда қатнашганликлари буни тасдиқлаб турибди.

**ХАНОЙ**

Бу ерда Ханой халқ совети сессиясининг иши амалий вазиятда ўтди. Депутатлар Вьетнам пойтахтини шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида социал-иқтисодий ривожлантириш якунларини чиқариб, иккинчи ярим йиллик вазифаларини белгиладилар.

Сессия қатнашчилари ўз нутқларида таъкидлашганидек, ўтган ярим йил Ханой яқинидаги қишлоқ меҳнатчилари учун айниқса муваффақиятли бўлди. Улар меҳнатни моҳирона ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш эвазига мамлакатнинг асосий озиқ-овқат экини бўлган шоли ҳосилдорлигини ўрта ҳисобда гектар бошига тўрт центнерга кўпайтиришга эришдилар. Улар баҳорда етиштирган шоли ҳосили ўтган йилдагидан 23 минг тонна кўп бўлди.

Саноатда ҳам ўтган йилдагига нисбатан маълум бир ўсишга эришилди. Ҳозирги кунда Ханой халқ совети депутатлари ВСР пойтахти саноатни ривожлантиришни жадаллаштириш ва йиллик давлат план топшириқларини муваффақиятли бажариш имконини берадиган тадбирларни ишлаб чиқармоқдалар.

**РИМ**

АҚШнинг 112 та қанотли ракетаси учун жадал суръатлар билан база қурилиши олиб борилаётган Сицилия оролидаги Комизо шаҳри аҳолисининг жуда кўпчилиги мамлакат территориясида Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталари жойлаштирилишига қарши чиқмоқда. Тинчлик тарафдорларининг бир қанча жамоат ташкилотлари ўтказган афкор омма фикрини сўраб билиш натижаларининг далолат беришича, бу кишиларнинг 97 проценти НАТОнинг Сицилияни «Ядровий омборга» айлантиришдан иборат хатарли режаларини кескин рад этган.

(ТАСС).

## «ЯДРО ҚУРОЛИГА ЙЎЛ ЙЎҚ»

ОСЛО, 1 август. (ТАСС мухбири). 10 июль куни Эйдсволл шаҳрида бошланган «83-тинчлик юриши» Тронхеймда оммавий митинг билан ниҳоясига етди. Бу юриш Норвегиядаги тинчлик тарафдорларининг 14 ташкилоти ташаббуси билан ўтказилди. «Ядро қуролига йўл йўқ!», «Европада янги ракеталар жойлаштирилмасин!», «Тинчлик вақтида ҳам, уруш вақтида ҳам Норвегияда ҳеч қандай ядро қуроли бўлмасин!» деган шиорлар юришнинг асосий шиорлари бўлди.

«83-тинчлик юриши»да турли сиёсий эътиқодларга, социал табақаларга мансуб ва ҳар хил ёшда бўлган минглаб норвегияликлар иштирок этдилар. Уларни тинчлик ва хавфсизлик ишига ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқи бирлаштирган.

Митингда сўзга чиққан кишилар ядровий қуролланиш пойгасига қарши, янги уруш хавфининг олдини олиш учун курашни янада активлаштириш ғоят муҳим эканлигини таъкидладилар. Улар қабул қилган баёнотда Норвегия стортинги (парламенти)ни мамлакат территориясида туриб ядро қуролидан фойдаланишни тақиқловчи қарор қабул қилишга даъват этдилар. Митинг қатнашчилари маъмурлар Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ракета-ядро қуроли жойлаштирилишига қарши чиқишларини ҳам талаб қилдилар.

**В. МИНҚЕВИЧ.**

## ЭФИОПИЯДА МАОРИФ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР

АДДИС—АБЕБА, 1 август. (ТАСС). Эфиопияда янги, социалистик жамият негизларининг муваффақиятли қурилиши кўп жиҳатдан иқтисодий, сиёсий ва социал ривожланиш соҳасида мамлакат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга қодир малакали миллий кадрларга боғлиқ, деди Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши раиси ва меҳнаткашлар партияси ташкилоти комиссиясининг раиси Менгисту Хайле Мариам.

Эфиопия раҳбари Аддис-Абеба университетини битирувчиларга диплом топшириш тантанали маросимида, нутқ сўзлаб, мамлакат олий ўқув юртларида студентларнинг билим даражасини ошириш, халқ хўжалиги проблемаларини ҳал этиш учун олий ўқув юртларини илмий ишга янада активроқ жалб қилиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Менгисту Хайле Мариам феодал-монархия режими ағдариб ташланганидан кейин ўтган йиллар мобайнида бу соҳада Эфиопия қўлга киритган муваффақиятлар тўғрисида гапирди. У бир қанча институтлар мамлакатда озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга катта ҳисса қўшганлигини айтди. Мамлакат ўқув юртлари тайёрлаган медицина ходимлари сони йил сайин кўпаймоқда, деди у. Аддис-Абеба университетинигина бу йил юздан ортиқ врач тамомлаб чиқди.

**Деҳли — Ҳиндистоннинг энг сўлим ва кўкаламзор шаҳарларидан биридир. Ҳозирги пайтда шаҳар территориясининг қарийб учдан бир қисми деҳлиликлар мириқиб ҳордиқ чиқарадиган парк ва хиёбонлардан иборат.**

**ТАСС фотохроникаси.**



## ИНҚИРОЗГА УЧРАМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 1 август. (ТАСС). Рейган маъмуриятининг АҚШ экономикаси ҳозирги вақтда «соғломланиш» даврини бошидан кечирмоқда, деб умидворлик билан қилган даъволари ҳеч қандай асосга эга эмас. Мамлакатнинг тушкунликдан чиқишини кўрсатувчи аломатлар йўқ — «Чикаго Трибюн» газетаси Иллинойс штатида жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларига асосланиб шундай хулосага келади.

Бундай кайфиятларни Иллинойсдан бошқа шаҳарларда ҳам сезиш мумкин. Америкалик кўпгина корхона эгалари, деб таъкидлайди ЮПИ агентлиги, экономикада чинакам нохуш аҳвол ҳукм сурмоқда, деб ҳисоблашмоқда. Сўнгги ҳафтанинг ўзидагина 752 та компания инқирозга учради.

Мамлакатнинг шимолий-шарқи ва ўрта ғарбидаги АҚШнинг анъанавий саноат маскани ҳисобланган кўпгина штатлари экономикасига оғир кризис ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Мазкур штатларда ишсизлик даражаси бутун мамлакатдаги ўртача кўрсаткичлардан анча юқоридир.


# Реклама ва эълонлар

**В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ**

86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1983-84 ўқув йилига**

**ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Токарь** (программали бошқариладиган станокда ишловчи), **учиш аппаратларини йиғувчи слесарь, слесарь-механик, саноат жиҳозлари ремонти бўйича слесарь, дипломли газ-электр пайвандчи, электр кўтарма кранлари машинисти, ОТК контролёри, автослесарь.**

**15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР. ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ.**

**Металл бўйича универсал токарь.** Ёши 16 ва ундан катта ёшдагилар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 80 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

**Ремонтчи-слесарь** (саноат жиҳозлари бўйича). Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

**Слесарь-механик** (механика-йиғув ишлари). Ёши 16 ва ундан катталар. Ўқиш муддати — 1 йил.

**Электр кўтарма кранлари машинисти.** Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати 1 йил. Бу касбдагиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

**Электр пайвандчи.** Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати — 1 йил. Бу касбдагиларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

**ОТК контролёри.** Бу касбга қизлар имтиёзли равишда қабул қилинади. Ёши 17 ва ундан катталар. Ўқиш муддати — 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим билан таъминланадилар.**

**ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Билим юртида иккита техника ижодкорлиги тўгараги, радиоҳаваскорлар тўгараги, фото тўгарак, 8 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги, ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, вокал-чолғу асбоблари ансамбли ва ҳоказолар мавжуд. 10 та спорт секцияси ишлаб турибди. Ёзги каникул даврида ўқувчилар «Чимён» лагерига борадилар.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат.

**МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

**Билим юртига 4, 5-троллейбуслар** («Экскаватор заводи» бекати); **3, 22, 23, 29-трамвайлар** («Старт стадиони» бекати) **билан бориш мумкин.** Телефон 35-61-30.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**1 АВГУСТДАН 1984 йил учун ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА БОШЛАНДИ**

**Идораларнинг бюджет бўйича обунаси «СОЮЗПЕЧАТЬ» корхоналарида 31 августгача расмийлаштирилади.** Ҳар бир ташкилот бўйича обуна ҳажми 1983 йилги сумма даражасида сақланади.

Якка обуначилардан обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида ҳамда уларнинг иш ва ўқиш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади.

**Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.**

ПЛОСКОСТОПИЯ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН ГРАЖДАНЛАР ВА БОЛАЛАР

**ДИҚҚАТИГА!**

БАНДАЖ — ОРТОПЕДИЯ АТЕЛЬЕСИДА

Тошкент шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 12-уй, телефон 33-53-06).

ва

«ПРОТЕЗИСТ» БИРЛАШМАСИДА

(Тошкент шаҳри, Механическая кўчаси, 5«а» уй, телефонлар 35-40-34). йиғиладиган ортопедик стелькалар ва ортопедик пойабзаллар, шу жумладан хонада кийиб юрадиган ортопедик шиппакларни нақд пулга сотиб олишлари мумкин.

**Юқорида кўрсатиб ўтилган буюмларни сотиб олиш учун паспорт ва медицина хулосасини кўрсатиш лозим.**


## МОСКВАДА НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА

Ватанимиз пойтахти — Москвада ҳайкалтарошлик асарларининг Бутуниттифоқ кўргазмаси давом этмоқда. Унда иштирок этиш учун республикамизда яратилган 50 дан ортиқ асарлар тавсия этилди. Улар орасида революция ва давлат арбобларига қўйилган ёдгорликларнинг, монументал ва манзарали ҳайкалларнинг фотосуратлари бор.

Ҳайкалтарош А. Раҳматуллаев, С. Бабаян ва архитектор Л. Адамовлар яратган ва Тошкент шаҳрига ўрнатилган Собир Раҳимов ҳайкали, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Сергей Бородиннинг пойтахтдаги уй музейига ўрнатилган бюсти ҳамда шоир Зокиржон Фурқатнинг Тошкентдаги ҳайкалини томошабинлар юқори баҳоладилар.

**О. ТОШПЎЛАТОВ.**

## ТОШКЕНТДА РЕКОРД ДАРАЖАСИДА ЖАЗИРАМА ИССИҚ

**— Бу йил ёзда юксак ҳарорат бўйича мутлақ рекорд ўрнатилди, деса бўлади, — деди ЎзТАГ мухбирига Ўзбекистон гидрометеорология ва табиий муҳитни контроль қилиш республика бошқармаси гидрометеорология марказининг бошлиғи, география фанлари кандидати А. М. Овчинников. — Кўп йиллик кузатишларнинг бутун тарихи мобайнида 29 июль куни Тошкентда 43,3 градус ҳарорат қайд этилди. 1944 йилда энг юқори ҳарорат 43,6 градус қайд этилган эди. Ўзбекистоннинг жанубида, унинг чўл қисмида яна қаттиқроқ жазирама бўлди. — У ерда термометр 47—50 градусни кўрсатди. Ўрта Осиё республикалари узра термик депрессия деб аталмиш паст босим барқарор бўлиб қолганлиги шунга сабаб бўлмоқда. Бу ҳол Арабистон ярим оролидан иссиқ ҳавони кўплаб келтирмоқда. Саҳро ва чўллар устидан ўтган ҳаво яна ҳам кўпроқ исиб кетди. Жазирама иссиқлик бир неча кун давом этиб, аста-секин пасая боради.**

## МЕДАЛЛАР ВА РЕКОРДЛАР

**КЕЧА СССР халқлари ёзги VIII Спартакиадаси қатнашчилари спортнинг бокс, самбо кураши, гимнастика, сузиш, қўл тўпи, камондан отиш ҳамда чим устида хоккей турлари бўйича ўзаро беллашдилар.**

**Асосан Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг хоккейчи қизларидан ташкил топган республика терма командаси мусобақаларда муваффақиятли иштирок этаётир. Улар саралаш ўйинларини юқори савияда ўтказдилар. Жумладан, қизларимиз сўнгги баҳсда Озарбайжон ССР терма командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Ҳозир медаль учун тўрт команда курашни давом эттирмоқда. Булар Ўзбекистон, Москва, Озарбайжон ва Украина командаларидир.**

**Боксчиларимиз ҳам ўз мухлисларини мамнун этдилар. Таниқли боксчи Владимир Шин финал баҳсида қирғизистонлик Евгений Алексеевни мағлуб этди ва 81 килограммли вазнлилар орасида Спартакиада чемпиони бўлди. Яна бир вакилимиз Георгий Пинчук 67 килограммлилар баҳсида финалга чиқди. У арманистонлик машҳур боксчи Исроил Акопкохянга ютқазиб қўйиб, кумуш медалга сазовор бўлди. Сергей Василенко эса бронза медалини қўлга киритди.**

**Оғир атлетикачи Виктор Мосебит 110 килограммдан ортиқ вазнлилар тоифасида куч синашиб 205 килограммли тошни кўтарди. Спортчимиз бу билан жаҳон рекордини ўрнатди. Фарғоналик оғир атлетикачи уч кураш якунига кўра 435 килограммли маррани забт этиб, олтинчи ўринни эгаллади. У бир йўла халқаро классдаги СССР спорт мастери нормативини ҳам бажарди.**

**Спартакиада совриндорлари орасида тошкентлик мерган Рустам Ямбулатов ҳам бор. У хандақдан отишда мавжуд 200 нишоннинг 192 тасини мўлжалга олди ҳамда учинчи ўринни эгаллади. Мерганликнинг шу турида республика терма командаси ҳам учинчи бўлди.**

**Тошкентлик студент Эркин Холиқовнинг маҳорати ҳам тақсинга сазовордир. 74 килограммли бу спортчи самбо курашида учинчи ўринни эгаллади. Унинг ҳамшаҳри, темирйўлчи Евгения Вавилова эса республика рекордини янгилади. Е. Вавилова 400 метрга комплекс усулда сузиб, 5 минут 01.21 секунд натижа кўрсатди.**

**Спорт гимнастикачилари баҳсида 13 ёшли Ирина Бараксанова мухлисларни мамнун этди. Ёш спортчи нафис ҳаракатлари билан 7—9 ўринларни бўлашиб олди. Спортнинг бу тури бўйича республика аёллар терма командаси еттинчи ўринни эгаллаб турибди.**

**Эътироф этиш керакки, вакилларимиз мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишяпти. Улар умумкоманда ҳисобида ҳозирча еттинчи ўринни эгалаб туришибди. Буларнинг барчаси республикамизда физкультура ва спортнинг жадал ривожланаётганлигини кўрсатиб турибди. Бу ҳақда 30 июль, шанба куни бўлиб ўтган Спартакиада программасидаги Ўзбекистон кунларида яна бир карра ҳисобот берилди. Ўтказилган тадбирларда, матбуот конференциясида республикамизда спортнинг бугунги аҳволи ҳамда ривожланиш босқичларига батафсил тўхталиб ўтилди.**

**Спартакиада мусобақалари қизғин давом этаётир.**

## ОҚ ЙЎЛ, ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниққан, халқ осойишталиги посбонлигида ғайрат-шижоат билан меҳнат қила оладиган ички ишлар ходимларидан яна бир гуруҳи ҳаётга йўлланма олди.

Яқинда СССР ички ишлар министрлигининг Тошкент олий мактаби битирувчиларига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Курсантларни қутлагани ички ишлар органлари ветеранлари, ота-оналар, дўст ва биродарлари ташриф буюришди. Алвон-алвон гулдасталар ичида битирувчилар Мирзабек ва Наталья Жақиеваларга аталгани ҳам бор. Улар 1979 йили Тошкент олий мактабига ўқишга келган эдилар. Мана шунча машаққат билан ўтган ўқув йиллари ортда қолди. Энди ёш мутахассислар Қозоғистонга йўлланма олдилар.

Бу йил олий мактабда ички ишлар органларининг юқори малакали командирлари ихтисослиги бўйича сиртқи бўлимни 22-марта, кундузги бўлимни 13-марта, ёнғинга қарши техника ва ёнғин хавфсизлиги инженерлари ихтисослиги бўйича кундузги бўлимни 2-марта, сиртқи бўлимни эса биринчи марта кадрлар битириб чиқдилар. Улар қардош социалистик республикалар — Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистоннинг БХСС, жиноят қидирув, тергов, жамоат тартибини сақлаш органларида ўз маҳорат ва билимларини ишга солиб меҳнат қиладилар.

Тошкент олий мактаби профессор-педагогик состави битирувчилар фақатгина ўз мутахассислигини тўлиқ эгаллаш билан чекланиб қолмай, моҳир тарбиячи, коммунистик дунёқараш тарғиботчилари бўлишлари кераклигини алоҳида таъкидлайдилар. Шунинг учун ҳам мактабга тажрибали актив ҳаётий позициядаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Тантанали йиғилишда республика ички ишлар министрининг ўринбосари, милиция генерал майори В. И. Селиверстов, давлат имтиҳон комиссиясининг раиси, СССР ички ишлар министрлиги Академиясининг кафедра бошлиғи Р. С. Мулукаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти директори Қ. Хоназаров ва бошқалар қутладилар.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан милиция лейтенанти Т. Турдиев қўмондонликни, педагогик составни, йиғилганларни милиция офицеридек юксак номни ҳамиша шараф билан оқлашга тайёр эканликларига ишонтирди. Тантана сўнггида аълочи ва жамоатчи битирувчиларга фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди.

**Р. ҲОШИМОВ,**
**ички хизмат полковниги.**


# ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

**МТ-I.** 9.00 — «Время». 9.40 — Спорт ахбороти. 9.55 — Ҳужжатли фильм. 10.35 — Мультфильмлар. 11.00 — «Ер мағзи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 12.10 — Концерт. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телевизион ҳужжатли фильм. 16.10 — «Стадион ҳамма учун». 16.40 — «Елканлар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 17.50 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 18.20 — СССР халқларининг ёзги VIII Спартакиадаси. 18.50 — «Меҳнат ёзи». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Курск жанги». 20.00 — Концерт. 20.20— «Ер мағзи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Олам кинокамера кўзгусида». 23.20 — «Дунё воқеалари». 23.35 — Спорт ахбороти.

**МТ-II.** 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.40 — «Иккови янги уйда». Бадиий фильм. 11.00— Мультфильм. 11.20 — Француз тили. 11.50 — «Звездочёт». 12.30 — «Муносиблар саёҳати». Бадиий фильм. 2-серия. 13.30 — Концерт. 14.05 — Ҳужжатли фильмлар. 14.30 — Мактаб ўқувчиларининг учрашуви. 15.15 — «Драматургия ва театр». 16.15 — Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.30 — Концерт. 17.00 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.05 — Концерт. 20.00 — СССР халқларининг ёзги VIII Спартакиадаси. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Бокс бўйича СССР спорт комитетининг совринлари учун халқаро турнир. 21.30 — «Время». 22.05 — «Проводникнинг ўлими». Телевизион бадиий фильм. 23.50 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Металлист» — «Динамо» (Минск). 2-тайм.

**ЎзТВ-I.** 12.35 — «Қўшиғим, жон қўшиғим». 13.05 — Телефильм. 13.15 — «Кино оламида». 14.15 — «Еттинчи қадаҳ». Телеспектакль. 1-қисм. 18.30— «До-ре-ми-фа-соль». 19.00 — «Ахборот». 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак» (Москва). Танаффус пайтида — «Ахборот». 21.15 — Мультфильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Чорвачилик—зарбдор фронт». 22.25 — «Нон таъми». 2-фильм. 23.35 — Янгиликлар.

**ЎзТВ-II.** 9.00 — 17.05 —МТ-II. 18.10 — «Кашф этилмаган ороллар». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 19.15 — «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». 19.30 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телевизион новеллалар театри. «Хат». 21.00 —Телефильм. 21.30 — МТ-II.

**«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА**

БУГУН

**СОАТ 19.30 да**

**СССР биринчилиги учун «ПАХТАКОР» (Тошкент) «Спартак» (Москва) командалари ўртасида**

**ФУТБОЛ**


**ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР**

## ЖЎЖАЛАРНИ ТАРТИБГА ЎРГАТИШ МУМКИНМИ?..

ГЎШТ учун боқиладиган жўжаларни қандай қилиб тез семиртириш мумкин? Бу ҳар қандай бройлер фабрикаси учун асосий муаммо бўлиб келарди. Агар жўжалар қанчалик кўп ва тартиб билан озиқлантирилса, шунчалик тез ўсиб семиради, маҳсулот хўжаликка арзонга тушади.

Аммо, жўжаларни тартибга ўргатиш осон эмас. Улар доимо бир-бирларини таъқиб қилиб, чўқишиб юришади. Дуркунлари нимжонларига кун беришмайди. Охурлари олдида ва сув ичадиган жойларида доимо тўс-тўполон бўлади. Бунинг оқибатида аксарият жўжаларнинг иштаҳаси сусайиб боради, тез семирмайди ва гўшт етиштириш камаяди.

Жониворларнинг товуш чиқариши ва эшитиш қобилиятини ўрганувчи биоакустик олимлар паррандабоқарларга ёрдамга келишди. Уларнинг кўп йиллик мураккаб изланишларидан сўнг «Бройлер» деб номланган жаҳонда биринчи радиоэлектрон қурилма яратилди. Янги мослама товуш ёрдамида жўжаларнинг тинч ва актив овқатланишини таъминлашга мўлжалланган.

Маълумки, жўжалар бўрдоқига боқиладиган цехга ўтказилган дастлабки кезларда уларнинг фақат 20 процентигина иштаҳа билан актив овқатланади. Қолганлари эса турган ерида мудрайди ёки охурларга яқинлашмай, дайдиб юраверади. Шундай пайтда «Бройлер»нинг акустик сигналлари ишга солинса, жўжаларнинг ҳаммаси ёппасига охурлар томонга ҳаракат қилиб, баравар овқатланишга одатланишади.

Кейинги кунлардан бошлаб акустик сигналлар таъсирида жўжаларнинг иштаҳаси яхшиланиб боради. Уларда акустик товушга нисбатан қатъий шартли рефлекс ҳосил бўлади ва ҳар доим сутканинг маълум вақтида овқатланишга одатланишади. Қолган пайтларда ухлаб, дам олишади. Натижада озуқа беҳуда сочилиб, топталмайди. Жўжалар бир текис, соғлом ўсиб, тез семиради ва гўшт кўпаяди. Тажриба шуни кўрсатадики, «Бройлер» қурилмаси ҳар бир ишлаб чиқариш цикли (60—63 кун) давомида қўшимча озуқа сарфланмаган ҳолда анча салмоқли даромад олиш имконини беради.

Янги қурилмадан, курка, ўрдак ва ғоз жўжаларини парвариш қилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Программали қурилма «Бройлер»_иш режимини тўла автоматлаштиришни таъминлайди.

**А. ВАЙСМЕН,**

**(АПН).**


Редактор ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02048 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б—1653. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12